

Тараққиёт учун АКТ сиёсати, жараёнлари ва бошқаруви

БМТнинг Тараққиёт учун Ахборот ва Коммуникация Технологиялари бўйича Осиё ва Тинч Океан Ўқув Маркази (ТАКТ ОҒЎМ)

Маълумот учун: Бонбунг, Сонгдо Техно Паркинги 3-чи қавати, 7-59 Сонгдо-донг, Йеонсу-гу, Инчхон ш., Корея Республикаси Тел: +82 32 245 1700 02 Факс: +82 32 245 7712 Электрон пошта: info@unapcict.org <http://www.unapcict.org>

Қисқача мазмуни

Ушбу аннотацияда ҳозирги (рақамли) технологияларнинг имкониятлари ва уларнинг сиёсат ишлаб чиқиш учун аҳамияти кўриб чиқилди. Биринчи бўлимда ҳукумат ва фуқароларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган сиёсат яратиш жараёнлари ўрганилди. Бунда ахборот ва коммуникация технологияларини (АКТ)ни ривожлантириш модели берилган, технологиялар билан сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқа, шунингдек АКТ соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқишда кўптомонлама этиш кўриб чиқилади. Иккинчи бўлимда асосий эътибор тараққиёт учун АКТ миллий сиёсатининг айрим энг муҳим элементларига жумладан, АКТ салоҳиятини мустаҳкамлашга, АКТ индустриясини яратишга, шунингдек электрон бошқарувга берилади.

Учинчи бўлимда тараққиёт соҳасида миллий мақсадларга эришиш йўлида АКТдан фойдаланишни максималлаштириш учун АКТ соҳасидаги бошқарувнинг базавий асослари – принциплар йиғиндиси, қарорлар қабул қилиш иерархияси, шунингдек ҳисобот ва назорат жараёнларининг махсус комплекси зарурлиги тушунилади.

Ушбу ахборот АКТ Академиясини 9 та асосий модулларида иккинчиси асосида давлат бошқарувининг лидерлари (академия) учун тузилган. Академия тараққиёт мақсадларида АКТ масалалари бўйича тузилган кенг қўламли ўқув дастуридан иборат бўлиб, у сиёсат ишлаб чиқарувчиларни АКТ имкониятларидан миллий тараққиёт мақсадларига эришиш ва рақамли тенгсизликни бартараф этиш учун зарур билимлар ва малакалар Академия ҳақидаги батафсилроқ маълумотни сайтдан олиш мумкин <http://www.unapcict.org/academy>



Муаллиф:
Эммануэль С.
Лаллана
Серия муҳаррири:
Кристина Апикул

Бу иш Creative Commons Attribution 3.0 лицензияси бўйича нашр этилди. Лицензиянинг нусхаси қуйидаги манзилдан олиш мумкин: <http://creativecommons.org/licenses/by/3.0/>

Ушбу нашрда баён қилинган фикрлар, расмлар ва баҳолар учун маъсулият муаллифлар зиммасидадир ва уларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллаган нуктаи назар ёки материал деб қаралиши шарт эмас.

Материалнинг ушбу нашрда фойдаланилган белгиси ва баёни у ёки бу мамлакат, ҳудуд, шаҳар, ёки тумanning, ёхуд улар маъмуриятининг ҳуқуқий статусига оид, ёки чегараларини делимитациялашга оид бирон-бир фикрни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қотибияти номидан ифодаланишни назарда тутмайди.

Фирмалар ва тижорат маҳсулотлари номларининг эслатиб ўтилиши уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллаганлигини билдирмайди.

1 КИРИШ

Сиёсат ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ва янги ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ) билан таниш бўлмаган давлат мансабдор шахслари, одатда, АКТ соҳасида сиёсат ишлаб чиқишдан бош тортадилар. Лекин, АКТ соҳасида сиёсат ишлаб чиқишни “технарларга” қолдириш нотўғри, чунки кўпинча улар технологияларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишнинг сиёсий оқибатлари ҳақида тасаввурга эга

эмаслар. Тараққиёт учун АКТ (ТАКТ) сиёсати, жараёнлари ва бошқаруви тўғрисидаги модулга ушбу аннотация тараққиёт учун АКТнинг тегишли сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича раҳбар принциплар беради.

2 ТАКТ соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш.

Ҳар қандай бошқа давлат сиёсати каби АКТ АКТ соҳасидаги сиёсат ҳам баёнот ва ҳужжатларда ифодаланган, шунингдек ҳукуматлар қўллаётган нарсаларни назарда тутди. Лекин, гарчи давлат сиёсати жамият манфаатларига йўналтирилган бўлса ҳам, конкрет масала ёки муаммонинг мумкин бўлган яхши ечимини ҳамиша ҳам гавдалантира олмайди.

АКТ соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш фақат саволга яхши техник/илмий жавобгагина тааллуқли эмас: бу, энг аввало, барча (кўпчилик) манфаатдор томонлар учун маъқул бўлган яхши техник ечимдир. Бу жараён АКТ ни ривожлантиришнинг муносиб моделларини аниқлаш, амалдаги қонунлар ва нормативларга баҳо беришни, шунингдек, манфаатдор томонлар таҳлилини талаб этади.

АКТ ни ривожлантириш модели.

Кўпгина мамлакатлар АКТни ривожлантиришнинг бозорга мўлжалланган моделига асосланмоқдалар. Бунга телекоммуникация мисол бўлади. Бугунги кунда хусусий секторга телекоммуникациялар соҳасидаги асосий ўйинчи бед қаралмоқда, холбуки бундан атиги икки ўн йиллик аввал телекоммуникация тармоқларининг давлат мулкига жамланиши шарт эди.

АКТни ривожлантиришни бозорга мўлжалланган моделининг афзалликлари қуйидагича:

- 1) хизматлар ва маҳсулотлар нарҳини пасайтириш ҳисобидан истеъмолчилар фойдасини ошириш, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва сифатини ошириш;
- 2) экспорт тармоқлари ва етакчи тармоқларнинг минтақа ва глобал бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш учун уларнинг сарф-харажатларини камайтириш;
- 3) иқтисоднинг ишлаб чиқаришнинг сотиш қисмида тадбиркорли ва инновацион фаолиятнинг йўқлигидан келиб муаммонинг ҳал этилиши;
- 4) янги иш жойлари яратиш йўли билан бандлик даражасининг ошишига қўмаклашиш ва шу тариқа, ижтимоий таъминот бўйича солиқ юкени амайтириш, бу эса аҳоли кексаяётган шароитда айниқса муҳимдир¹.

Лекин бозорлар АКТнинг ривожлантиришда етакчи рол ўйнаётган бир вақтда бу асло ҳукуматлар (ёки давлатлар) ва фуқаролик жамияти ушбу жараёндан ташқарида туришини билдирмайди. Вазифа муайян мамлакатлар АКТини ривожлантириш эҳтиёжларини қаноатлантирадиган муносиб балансни топишдан иборат.

Нодавлат ташкилотлар (НДТ) тараққиёт жараёнининг муҳим иштирокчиси сифатида тобора эътироф этилмоқда. Осиё тараққиёт банки тараққиётида НДТнинг қуйидаги энг қучли томонларини ажратиб кўрсатади:

- 1) НДТ таъсир ўтказилаётган ҳамжамиятлар учун “қўприк” сифатида чиқмоқда;
- 2) лойиҳаларнинг назарда тутилганидек амалга ошириш учун шароит билан таъминламоқда;
- 3) лойиҳа ишида изчилликни таъминламоқда;
- 4) бошқаришнинг аниқлиги ва самаралигини оширишни ёқлаб чиқмоқда;
- 5) заиф ва/ёки маргинализацияланган гуруҳларга овоз бериш ҳуқуқи бермоқда.

Технологиялар билан ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро алоқа

Бозорларнинг очилиши ва либераллаштирилиши АКТнинг узок вақт ва тез ўсиши учун етарли шароит эмас. Сиёсат шунингдек, тартибга солиб турувчи органларни мустаҳкамлаш ва ТАКТ учун янги қонунлар ишлаб чиқиш йўлида

ишлаши керак, чунки техника тараққиёти одатда норматив-ҳуқуқий ислохотлардан олдин бошланиб, янги жараёнларни бошқариш учун эски қондалардан фойдаланилаётган вазиятни юзага келтирмоқда. Сиёсатни ишлаб чиқарувчилар (ва тартибга солиб турувчи фондлар) амалдаги қонунлар ва бегиланган нормалар янги технологияларнинг ёйилишига ва янги бизнеснинг ривожланишига қай даражада тўсқинлик қилишини ёки ҳалал беришини баҳолашлари керак. Масалан, Интернет пайдо бўлиши билан тармоқларни тартибга солиш методини ёки инфратузилмасини ўзгартириш зарурати туғилди. Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатувчиларни тармоқ ускуналарини етказиб берувчилардан алоҳида гуруҳ деб билиш мумкин. Бу ривожланишни акс эттириш учун сизнинг қонуларингиз қай даражада ўзгарган.

Манфаатдор томонлар таҳлили

Манфаатдор томонлар сиёсатга уни ишлаб чиқиш босқичида қизиқиб қараган айрим шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлардир. Улар турлича қизиқш кўрсатадилар ва турли дастурларни муҳокамага қўядилар. Кўпгина манфаатдор шахсларнинг АКТ сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этиш нормага айланмоқда. Ахборот жамияти масалалари бўйича олий даражадаги Бутунжаҳон учрашувида “ҳудди хусусий сектор сингари, ҳукумат, фуқаролик жамияти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ва бошқа халқаро ташкилотлар ахборот жамиятининг ривожланишида ва зарур бўлганда, қарорлар қабул қилиш жараёнида муҳим роль ўйнайдилар ва масъулдирлар” деб эътироф этилади.

Кўпгина манфаатдор томонларнинг сиёсат ишлаб чиқишда иштирок этиши қуйидаги сабабларга кўра муҳим деб ҳисобланади:

- 1) АКТ соҳасида сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ошқоралик ва тенглик бўлишга ёрдам беради;
- 2) АКТ соҳасидаги сиёсат масалаларини ҳал этишда аналитик имкониятларни кенгайтиради;
- 3) кенг оммани сафарбар қилиш ва иширок эттиришга қўмак беради;
- 4) мақсадга йўналтирилган ва комплекс иш режасини ишлаб чиқишга ёрдам беради;
- 5) билимлар алмашуви ва инновацияларга имкон беради.



Корея Республикасининг Ичхон шаҳрида бўлиб ўтган БМТ-ТАКТ ОТЎРМОТИНИК ҳамоқларнинг “Давлат лидерлари учун АКТ асослари Академияси” уюрулувида қатнашувчилар муҳокама оборинида.

Кўпгина манфаатдор томонлар сиёсат ишлаб чиқишда иштирок этганида қуйидаги ишларни назарда тутмоқ керак:

1. Таҳлил ўтказишнинг асосий мақсадини аниқлаш.
2. Тизимни ва тизимда қарор қабул қилувчи шахсларни яхши билиш.
3. Асосий манфаатдор томонларни аниқлаш.
4. Манфаатдор томонларнинг қизиқишларини, характерли хусусиятларини ва шароитларини ўрганиш.
5. Манфаатдор томонлар ўртасидаги ўзаро алоқа модели ва шартларини аниқлаш.
6. Бошқарув учун вариантларни аниқлаш.

3 ТАКТ миллий сиёсатининг элементлари

ТАКТ соҳасидаги миллий сиёсатнинг иккита муҳим жиҳати бор. Биринчидан, ТАКТ соҳасидаги миллий сиёсат самарали бўлиши учун барча нарсани қамраб олиб, конкрет масалалар бўйича талабни ҳам, таклифни ҳам қараб чиқиш лозим. Иккинчи жиҳати шундан иборатки, АКТ соҳасидаги миллий сиёсат фақат бир марталик тадбир эмас. АКТ соҳасидаги эҳтимол тутилган миллий мақсадларнинг барчаси ҳам режалаштирилган бўлиши мумкин ёки шарт эмас. Мақсадлар сонининг ҳаддан ташқари кўплиги исталган вақтда кўп миқдорда ресурсларни талаб қилиши ва чекланган ресурсларнинг ноқиллона тақсимланишига олиб келиши мумкин.

Шу нарса ибратлики, кўпроқ муваффақиятга эришяётган мамлакатлар аввалги режалар асосида янги режалар тузиб, АКТ соҳасида бир қатор миллий сиёсатлар ишлаб чиқдилар.

Бу бўлимда ТАКТ соҳасидаги миллий сиёсатнинг барча элементлари жиҳатларини батафсил муҳокама қилишга уринмайди.

¹ Скотт Х., Якобе. Норматив ислохотларнинг иккинчи авлоди. (мақола иккинчи авлоди ислох қилиш бўйича ХВФ конференциясида қилинадиган доклад учун тайёрланган. Вашингтон, АКШ, 8-9 ноябрь 1999 й.). <http://www.imf.org/external/pubs/ft/seminar/1999/ref/otms/jacobs.htm>

Тушунтириш мақсадида асосий урғу ТАКТнинг ҳар қандай миллий сиёсатининг учта муҳим жиҳатига берилади: потенциални ривожлантириш, АКТ тармоғини яратиш ва электрон бошқарув.

Ахборот инфратузилмасини ривожлантириш ТАКТ миллий сиёсатининг муҳим компоненти бўлиб, ТАКТга оид адабиётда етарлича муҳокама қилинмоқда ва шу сабабли бу ахборот бюллетенида қараб чиқилмади.

Бундан ташқари, айтмоқ керакки, инфратузилма ТАКТ учун “зарур, лекин етарли эмас”, шунинг учун инфратузилма ТАКТ соҳасидаги миллий сиёсатнинг диққат марказида туриши мумкин эмас.

АКТ потенциалининг ривожланиши

Bridges.org-да таъкидланганидек, “агар кишилар кундалик турмушларида ёки ишларида технологиядан самарали фойдаланишни тушунмасалар ёки ундан фойдаланишга ўргатилган бўлмасалар, ёхуд ундан фойдаланишлари мумкинлигини тасаввур қила олмасалар ҳар қандай технологиялардан тўқис фойдаланиб бўлмайди”².

Шундай қилиб, АКТ соҳасида малакаларни оширишга ТАКТнинг ҳар қандай миллий сиёсатининг муҳим элементи деб қарамоқ керак.


АКТ потенциалини ривожлантириш дастурларида сиёсат ишлаб чиқарувчилар иккита умумий масалага дуч келади. Биринчиси қўра, барча фуқароларда ахборот замонда муваффақиятга эришиш учун базавий билим бўлиши керак. Одатда бу компьютер саводхонлиги курси туфайли таъминланмади, бу курс барча фуқароларга таклиф этилмоғи лозим. Иккинчи масала мамлакатнинг АКТ секторига ва бутун иқтисодиётга доимий асосда ривожланиш имконини бериши учун АКТ соҳасидаги мутахассислар малакаларини оширишга тааллуқлидир. Бу АКТ соҳасида шунингдек, олий ўқув юрларида маълумот олишни талаб қилади. АКТ соҳасидаги саводхонлик АКТ ни махсус ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

АКТ тармоғини яратиш

АКТ соҳасидаги миллий индустрия ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки у иқтисодиётнинг асосий секторларидан бири ҳисобланади. У, шунингдек, бутун иқтисодиёт учун унумдорлик ва сифатни яхшилашнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида хизмат қилиши мумкин. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантиришдаги ўз ролини кучайтириш ва бажариш учун сиёсат ва стратегиялар АКТ сектори учун АКТ ускуналарини ишлаб чиқариш, офшоринг

ва дастурий таъминотни глобал ишлаб чиқиш, рақамли мундарижани (контент) ишлаб чиқиш каби шаронтларни таъминламоғи лозим.

Осиё компаниялари жамланиши мумкин бўлган контент ишлаб чиқиш соҳаси мобил тузулиши учун рақамли контентдир. Бу ўз ичига мобил янгиликларни, мобил транспорт ахборотини, мобил молия хизматини, мобил ўйинларини, мобил мусиқаларни, рингтонлар тасвирини, мобил эрмакларини ва мобил маълумотларини ўз ичига олади.



Тимор-Лесттаги АКТ инфратузилмаси

Электрон бошқарув

Электрон бошқарув миллий, глобал даражадаги бошқарув ва маъмурий соҳасида (шу жумладан, давлат хизматларини тартибга солиш, ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, хавфсизлик, бюрократия самарадорлигини ошириш ва сиёсат ишлаб чиқишда) шунингдек сиёсат соҳасида (жамият ўз аъзолари учун қандай қарорлар қабул қилиши ва кадриятлар белгилашига оид фаолият соҳасида) АКТдан фойдаланишдир.

Бошқарув концепцияси одатда, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ташкилий ўзаро алоқаларгина эмас, балки жамиятнинг бошқарув масалаларига муносабатини ҳам биринчи ўринга қўяди. Ушбу ахборот бюллетени электрон ҳукумати билан ёки “давлат сектори ташкилотлари фаолиятининг сифатини ошириш учун АКТ дан фойдаланиш” билан боғлиқ масалаларга батафсил тўхталиб ўтади. Диққат объекти сифатида, ушбу мавзу танланган, чунки ҳукуматнинг АКТ ларга харажатлари АКТ соҳаида маҳаллий индустриянинг умумий ривожланишига таъсир қилиши мумкин, яна шунингдек электрон ҳукумат самарали бошқарув имконини беради.

Электрон ҳукуматга урғу бериш, шунингдек, ривожланаётган

мамлакатларда электрон ҳукумат бўйича лойиҳалар учраган муваффақиятсизликлар даражасини пасайтиришга имкон беради.

Сиёсат ишлаб чиқарувчилар электрон ҳукумат бўйича лойиҳалар нима учун муваффақиятсизликка учраганлигининг қуйидаги сабабларини билишлари керак:

- 1) ички ҳаракатлантирувчи кучларнинг йўқлиги;
- 2) аниқ концепция ва стратегиянинг йўқлиги;
- 3) лойиҳани самарасиз бошқариш;
- 4) ўзгаришларни самарасиз бошқариш;
- 5) сиёсат ва шахсий манфаатларнинг устунлиги;
- 6) лойиҳага, хусусан, ҳал қилувчи маҳаллий манфаатдор томонлар қўшадиган ҳиссанинг етарли эмаслиги сабабли лойиҳанинг сифати пастлиги/нореаллиги, бу эса маҳаллий муҳитга (масалан, маданият, кадрият ва эҳтиёжга) мос келмайдиган лойиҳаларнинг пайдо бўлишига олиб келади;
- 7) зарур малаканинг йўқлиги;
- 8) технологик инфратузилмага мос келмаслиги (компьютерлар етишмаслиги ёки тармоқнинг йўқлиги);
- 9) технологик жиҳатдан бир-бирига мос келмаслик.

Электрон ҳукумат бўйича дастурларни амалга ошириш учун электрон ҳукумат ва раҳбар принципларни батафсилроқ муҳокама қилиш учун Ахборот бюллетени №3 га қаралсин.

4 АКТ соҳасидаги раҳбарлик

АКТ соҳасидаги раҳбарият АКТ исталган фойдаланиш усули учун қарорлар қабул қилиш ва ҳисобдорлик асосларини белгилаб беради³. Бу ТАКТ сиёсатини ишлаб чиқишнинг муҳим, лекин кўпинча менсимайдиган элементи. Тараққиёт мақсадларига эришиш учун АКТдан имкон қадар самарали фойдаланишга интилаётган ҳукуматлар АКТ соҳасига раҳбарлик асосларини ривожлантирмоқлари лозим. Бундай асос, одатда, принциплар йиғиндиси, қарорлар қабул қилиш иерархияси ҳамда ҳисобдорлик ва назорат жараёнларининг махсус комплексидан иборат.

Австралия АКТ соҳасида раҳбарликни амалга ошириш учун

² Bridges.org, “Real Access / Real Impact criteria”, http://www.bridges.org/Real_Access

³ Питер Вейл и Жим. АТ соҳасига раҳбарлик: яхши иштирокчилар энг яхши натижаларга эришиш учун АТ соҳасида қандай қарорлар қабул қилмоқдалар. (Boston: Harvard Business School Press, 2005), 8.

принциплар тўплашга яхши мисолдир. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

- 1) АКТ соҳасидаги жавобгарликни аниқ тушуниш.
- 2) Ташкилот эҳтиёжларини аъло даражада қондириш учун АКТни режалаштириш.
- 3) АКТни асосли ва қонуний равишда сотиб олиш.
- 4) АКТ доимий ва тегишли таҳлил асосида, асосланган сабаблар ва тўғри йўл билан сотиб олинганлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак.
- 5) АКТнинг доимий асосда яхши ишлашини таъминлаш.
- 6) АКТнинг барча ташқи қондаларга мос келишини, шунингдек барча ички йўриқномалар ва амалий тавсияларининг бажарилишини таъминлаш;
- 7) АКТнинг биринчи навбатда инсон омилини ҳисобга олиб қўлланилишини таъминлаш. АКТ жараёнида банд бўлган барча кишиларнинг шу кундаги энди пайдо бўладиган эҳтиёжларини қондирилишига ишонч ҳосил қилинг.

АКТ соҳасида қарор қабул қилиш иерархиясини яратиш масаласи ҳукумат учун янгилик эмас. Қўпгина ҳукуматлар учун АКТ учун жавоб берувчи миллий агентликларга эга. Мавжуд амалиётдан келиб чиқиб, АКТ соҳасида қарор қабул қилувчи органларнинг ҳеч бўлмаганда 4 та турини аниқлаш мумкин: вазирлик/департамент (масалан, Ҳиндистондаги Алоқа ва АТ вазирлиги), комиссия (масалан, Непалдаги АКТ соҳасида Олий даражадаги комиссия), агентлик (масалан, Камбоджадаги АКТни ривожлантириш бўйича Миллий агентлик), кенгаш (Бруней-Даруссаломнинг АКТ бўйича кенгаши).

АКТ бўйича агентликлари бўлган мамлакатлари учун масала мавжуд механизмнинг улар эҳтиёжларини қондириш учун қанчалик самарадорлигини баҳолашдан иборат. АКТ соҳасида агентликлари бўлмаган мамлакатлар учун масала АКТни самарали бошқариш учун мақул қарор излашдан иборат.

АКТ соҳасидаги раҳбар асосларнинг 3-чи элементи ҳисобдорлик ва назорат жараёнларининг махсус йиғиндисидан иборат. Австралия ҳукуматининг ахборотларини назорат қилиш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган АКТ активларини бошқариш

бўйича илғор тажрибанинг назорат рўйхати⁴ бунга мисол бўлади.

Афсуски АКТ соҳасидаги бошқарувнинг муҳимлигига қарамай жуда кам ҳукуматлар бутун ҳукумат даражасида ёки ҳар бир давлат муассасасида АКТларнинг раҳбар асосларини (яъни принциплар, қарорлар қабул қилиш иерархияси ҳамда мониторинг ва баҳолаш жараёнларини) қабул қилдилар. Ўз мамлакатларида АКТ соҳасида раҳбар асосларни яратишда етакчи роль ўйнашга интилаётган сиёсат ишлаб чиқувчиларга шуни Вейла ва Росснинг “АКТга раҳбарлик соҳасидаги 10 принцип”⁵ини қараб чиқишдан бошлашга тўғри келади. Қараб чиқилаётган давлат сектори учун соддалаштирилган бу принциплар қуйида келтирилмоқда:

1. Бошқарувни лойиҳалаштириш билан фаол шуғулланиш. Раҳбарият қорхонанинг вазифалари ва ишлаб чиқариш мақсадларига мувофиқ АКТни бошқарув тизимини ишлаб чиқиш билан фаол шуғулланмоғи лозим.
2. Лойиҳалашни қачон қайта кўриб чиқиш зарурлиги билиш.
3. Катта мансабдор шахсларни жалб этиш.
4. Танлаб олиш.
5. Истисноларни тайёрлаш жараёнларини тушунтириш.
6. Рағбатлантиришнинг тегишли тизимини таъминлаш.
7. АКТ соҳасидаги раҳбариятда мулк ҳуқуқи ва масъулият белгилаш.
8. Турли ташкилий даражалардаги бошқарувни ишлаб чиқиш.
9. Очиқ-ойдинлик ва таълимни таъминлаш.
10. Олтига ҳал қилувчи активлар (яъни инсон капитали, молия маблағлари, моддий активлар, интеллектуал мулк, ахборот ва АТ, ўзаро муносабатлар) бўйича ягона механизм яратиш.

ТАКТ ОТЎМ нинг ахборот бюллетенлари серияси тараққиёт мақсадида ахборот ва коммуникация

⁴ Австралия ҳукуматининг ахборотларни назорат қилиш бошқармаси, Илғор тажриба рўйхати 24. АКТ активларини бошқариш (Австралия ҳамдўстлиги, 2007 й.), <http://www.finance.gov.au/e-government/better-practice-and-collaboration/better-practice-checklists/asset-management.html>.

⁵ Вейла ва Росс материаллари асосида АТни бошқариш, 222-230 б.

технологиялари (ТАКТ) бўйича муҳим дастурлар ҳақида энг юқори даражада сиёсат ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи мансабдор шахслар учун ахборот тасаввур беришга интилади. Серия қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) Ҳаммага маъқул бўлган илмий-тадқиқот ишларининг асосий жиҳатлари, баҳо ва шарҳлар берилган ҳисоботлар ва нашрлар;
- 2) Академия модулларини ўрганиш вақтида қараб чиқилган сиёсий мулоҳазалар;
- 3) Илғор тажрибани ва тематик тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида олинган сабоқлар ва муҳим муаммолар.



Интерактив Камбоджанинг Пралетт ишларида БМТ-ТАКТ ОТЎМОТИК ва Камбоджанинг Миллий АКТни ривожлантириш агентлиги (НИДА) ҳамкорлигида таъминланган “Давлат лидерлари учун АКТ асослари Академияси” ва Тараққиёт учун АКТ системаси, жараёнлари ва бошқаруш Миллий Тренинги оқиминида қатнашмоқдалар.

ТАКТ ОТЎМ, БМТнинг минтақавий институти ва Осий Тинч океани учун ижтимоий ва иқтисодий комиссия (ОТОИИК) 2006 йил 16 июнда Корея Республикасининг Инчхон шаҳрида тузилган ва ўз ишини бошлаган. ТАКТ ОТЎМнинг роли ва вазифаси (ОТОИИК)нинг 62 аъзоси ва Ассоциацияланган аъзо мамлакатларнинг АКТ соҳасида инсон ва ташкилот салоҳиятини яратиш орқали ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида АКТдан фойдаланишда эришган ютуқларини мустаҳкамлашдан иборат. Ўз мандатини бажаришга интилган ТАКТ ОТЎМнинг иши бир-бири билан боғлиқ учта компонентга жамланган – ўқитиш, консалтация хизматлари ва тадқиқот.

Ахборот бюллетенлари серияси тадқиқот компонентининг бир қисмидир, шунингдек ушбу тадқиқот компонентига тематик тадқиқотлар серияси қиради, у ТАКТнинг ва Осиё ва Тинч океан минтақасида салоҳиятни мустаҳкамлашнинг турли масалалари бўйича илғор тажриба ва тематик тадқиқотлар йиғмаси ва таҳлилидан иборат.